HOZIRGI GLOBALLASHUV JARAYONIDA TIL VA ADABIYOTNING GUMANISTIK ROLI

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI

HUMANISTIC ROLE OF LANGUAGE AND LITERATURE IN THE CONTEMPORARY GLOBALIZATION

MATERIALS OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE



LANGUAGE

LITERATURE

GLOBALIZATION

SAMARQAND / SAMARKAND
19-20 APRIL 2024

БИЛВОСИТА ТАРЖИМАДА БАДИИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ (Э.М. РЕМАРКНИНГ “DREI KAMERADEN” РОМАНИ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ МИСОЛИДА)

У. Мамарасулов [1]

Аннотация:
Мазкур мақолада немис тилидан ўзбек тилига билвосита таржимада бадиий тасвир воситаларининг берилиши кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: метафора, оксиморон, бадиий тасвир воситаси, таржима китоблар, Ремарк, Низом Комил

doi: https://doi.org/10.2024/bayah583

Ёзувчи ижод маҳсулининг китобхонлар эътирофига сазовор бўлишида бадиий тасвир воситаларининг ўрни беқиёс. Асарнинг умумий янграши ундаги бадиий ифода воситаларининг ҳамжиҳатлиги билан ифодаланади[2]. Ўқувчиларга етказилиши назарда тутилган маълумотнинг бадиий тасвир воситаларисиз ифодаланиши қайласиз таом тайёрлашга ўхшайди. Моҳир пазанда турли хил зираворлар билан таомни бойитиб, хўрандага таъм сезгиларининг ноёб наъмуналарини тақдим этса, моҳир ижодкор ўз тасвирлари билан наср ихлосмандлари руҳий кечинмаларининг ҳали ўзлари англаб етмаган кенгликларига чорлайди. Тасвир воситаларининг ўзига хослиги, нозик дид билан тузилган ўхшатишлар, серқирра сўз ўйинларию киноялар китобхонга бутун борлиқни унутиб, асар руҳияти билан чамбарчас боғланиб кетиш имконини беради. Бундай асар қайси тилда яратилмасин, қисқа фурсатда ўз мухлисларини топиши муқаррар. Маълум бир асарнинг шу асар яратилган тил эгалари ареасидаги машҳурлиги уни бошқа тилларга хам таржима қилиш иштиёқини келтириб чиқаради. Таржимонлар образли воситаларни ўгираётганда аслиятда қўлланилган метафорани метафора билан, эпитетни эпитет билан ёхуд бошқа образли воситаларни аслидагидек таржима қилса, ўқувчига тушунарли бўлади. Акс ҳолда, бир улуғ ёзувчининг ўз миллати эътиборидаги кўрки ва дурдонаси бўлмиш ажойиб асар таржимага кўчганда қандайдир ўртача китобга айланиб қолиши мумкин.[3] Бу жараён айниқса билвосита таржимада муҳим аҳамият касб этади. Негаки, таржимон асл тил эгаларининг хаёт тарзи ва урф-одатларидан бехабар бўлар экан, фақатгина восита тилига таяниб иш кўради. Шу ўринда таниқли немис адиби Эрих Мария Ремаркнинг “Drei Kameraden”романининг

[1] *У.Ғ.Мамарасулов, Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни бахолаш агентлиги, бош мутахассис*

[2]Гечечиладзе Г. Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. -М.: Советский писатель. 1980 -253 с.
[3]Назаров С. Ҳ. Бевосита ва билвосита таржимада образли воситаларнинг қайта яратилиши. Илмий хабарнома, АДУ,№2 2012й. -108 б.

рус тилига И. Шрайбер ва Л. Яковленкоҳамда ўзбек тилига Низом Комил томонидан қилинган таржималарида бадиий тасвир воситаларининг берилиши хусусида тўхталиб ўтсак.

Der Himmel *war gelb* ***wie Messing*** *und noch nichtverqualmt vom Rauch der Schornsteine.Hinter den Dächern der Fabrik leuchtete er* ***sehr stark****.*[1]

Небо *было желтым,* ***как латунь****; его еще не закоптило дымом. За крышамифабрики оно светилось* ***особенно сильно****.*[2]

Ҳали ғубор инмаган ***осмон*** *сарғиш тусда. Айниқса, фабрика томонга қарасангиз, уфқ бамисоли* ***тилла сувига чайилгандай.***[3]

Асарнинг асл матнида осмон **жезга** ўхшатилмоқда. Г. В. Паннинг ёзишича,**ўхшатиш** айтилаётган фикрнинг ифода кучини орттиради. Бу жараёнда камида иккита нарса—фикр ва ўхшатиш воситаси ўртасидаги умумий жиҳатларга асосланилади ҳамда ***wie***ёки ***als***ёки ***als ob***каби қиёслаш воситалари ёрдамида ифодаланади.[4] Мазкур фикрдан кўриниб турибдики, адиб асл матнда ўхшатиш бадиий тасвир воситасини қўллаган. Асарнинг рус тилидаги таржимасида ўхшатиш бадиий тасвир воситаси сўзма-сўз ўгирилган ва маъно сақланиб қолган. Ўзбек тилидаги таржимага келадиган бўлсак, таржимон ўхшатиш қўлламай, осмоннинг сарғиш рангда эканлигини айтиб ўтган холос. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 3-жилдида сарғиш сўзи“*сариқ рангга мойил, сариқроқ, сарғимтир*” ҳолида изоҳланган[5]. Бир қарашда аҳамиятсиз туюлган бу жумла осмоннинг муаллиф таърифлаётган вақтдаги аниқ ранги қандай эканлигини белгилаш зукко ўқувчининг ихтиёрига ҳавола этилгандек назаримизда. Ваҳоланки, роман муаллифи осмон ранги ҳақидаги тасаввурларимизни чегаралаб, уни жез каби сариқ эканлигини таъкидлаган. Жумланинг давомида Ремарк осмонни тасвирлашда давом этар экан “***noch nichtverqualmt vom Rauch der Schornsteine***” сўзма—сўз таржимада: “ҳали дудбўронлар тутуни уни қоплаб улгурмаган” дея таъкидлайди.Таржиманинг рус тилидаги вариантида эса “***его еще не закоптило дымом***” яъни “у ҳали тутун билан дудланмаган” деган маънони англаймиз.Осмоннинг тутун билан қопланишини “*дудланиш*” деб аталган бўлсада, тутуннинг манбаи мавхумлигича қолган. Низом Комил эса жумланинг давомини биргина “*ғубор инмаган*” сўз бирикмаси орқали ифодалаш билан кифояланган. Ғубор сўзи чанг, тўзон кабилардан ҳавода сақланганёки нарса сатҳига инган майда зарралар;гард[6] деб изоҳланганидан келиб чиқиб, аксар ўқувчилар “*дудбўрон*” ва “*тутун*” каби тушунчаларни хаёлига хам келтирмаган деган хулосага келишга ҳақлимиз деб ҳисоблаймиз. Адиб асл матнда “фабрика томлари ортида” дейиш билан англатмоқчи бўлган фикр, ўзбек тилига “фабрика томонга қарасангиз” дея ўгирилиб, фабрика ҳақидаги тасаввурни ижобий тус олишига олиб келган. Фикримизча, Ремарк мазкур жумлада “фабрика”, “дудбўрон”, “тутун” ҳамда “фабрика томлари ортидаги ёркин осмон” каби тушунчаларни жамлаб, фабрика дудбўронларидан чиқаётган тутун табиатга зарар етказаётганига яширин ишора қилган.

---

[1] Remarque E. M. Drei Kameraden Köln Kiepenheuer & Witsch 1964, 1991 -585 S.

[2]Ремарк Э. М. Три товарища перевод И. Шрайбера и Л. Яковленко Л.: Лензидат 1959

[3]Ремарк Э. М. Уч оғайни Русчадан Низом Комил таржимаси Т.: Маънавият 2002 -335 б.

[4] Pan G. W. Deutsche Stilistik T.: 2010. -280 S.

[5]Ўзбек тилининг изохли луғати: -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 -680 б.

[6]Ўзбек тилининг изохли луғати: -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 -680 б.

"Ich blieb eine Weile stehen und sah ihr zu. Sie hatte ***die Grazie eines Nilpferdes****, wie sie da* ***zwischen*** *den Autokühlern hin und her* ***torkelte*** *und mit dumpfer Stimme* ***das Lied vom treuen Husaren*** *sang. Auf dem Tisch am Fenster standen zwei Kognakflaschen. Eine davon war fast leer. Am Abend vorher war sie voll gewesen.* ***Ich hatte vergessen, sie einzuschließen****."*

Некоторое время я наблюдал за ней. ***С грацией бегемота основала*** *она взади вперед* ***между*** *автомобильными радиаторами и глухим голосом напевала* ***песню о верном гусаре****. На столе у окна стояли две бутылки коньяка. В одной уже почтиничего не оставалось. Накануне вечером она была полна.*

Бир муддат уни кузатиб турдим. Матильда ***лапанглаганчаузун супурги билан*** *қатор қилиб териб қўйилган автомобиль радиаторлари ён-верини* ***супурар****,* ***қандайдир қўшиқни*** *минғирлаб хиргойи қиларди. Дераза ёнига қўйилган столда икки шиша коняк тураради. Шишаларнинг бири деярли бўшаган. Кечқурун тўла эди.*

Юқорида келтирилган аслиятдаги матн ҳамда таржима матнларида эътиборимизни тортган баъзи нуқталарга тўхталиб ўтсак. Асл матнда қўлланилган "***die Grazie***" сўзи ўзбек тилига ўгирганда "назокат" деган маънони англатади. Бу сўз изоҳли луғатимизда "- хушмуомалалик,латифлик, нозиклик. Кишининг юриш-туриши, ҳаракат ва қилиқларидаги нозиклик, латофат[1] дея таърифланган. Мазкур сўз боғланган "***eines Nilpferdes***" сўзи "Das Nilpferd"сўзининг қаратқич келишигидаги шакли бўлиб, ўзбек тилига - бегемот деб таржима қилинади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "тропик Африка кўл ва дарёларида, шунингдек, уларнинг атрофида яшайдиган,териси қалин йирик сутэмизувчи ўтхўрҳайвон" сифатида таърифланган бу ҳайвонга нозиклик ва латофат хислатлари бегона эканлигидан келиб чиқиб, адиб ушбу сўз бирикмасида оксиморон бадиий тасвир воситасидан фойдаланган деб хулоса қила оламиз. Оксиморон бадиий тасвир воситасига тўхталар экан, Г.В. Пан унинг антитеза бадиий тасвир воситасининг ўткир кўриниши эканлигини, унда иккита ўзаро қарама—қарши бўлган тушунча синтактик жиҳатдан боғланган ҳолда бадиий тасвирни бойитишини таъкидлайди.[2] Адибнинг моҳирона ижод маҳсули матннинг рус тилидаги таржимасида сўзма—сўз ўгирилиб, "***С грацией бегемота***" сифатида берилган ва оксиморон бадиий тасвир воситаси сақланиб қолган. Асарнинг ўзбек тилидаги таржимасида юқоридаги бадиий тасвир воситаси тушириб қолдирилган. Матильданинг бесўнақай эканлигини ифодалашда "***лапанглаганча***"ҳолат равишини қўллаш билангина кифояланган.Матильда хиргойи қилаётган қўшиққа келсак, у бежизга содиқ Гусарь[3]ҳақида эмас. Ремарк бу билан биринчидан, жамият вакиллари онгидан ҳали биринчи жахон урушининг аянчли таъсири кетмаганлигини таъкидласа, иккинчидан, Матильданинг ёлғиз экани унинг садоқатли чавандозга иштиёқманд эканлигига ишора қилади. Рустилида "***песню о верном гусаре***" деб берилган бу ифода ўзбек тилидаги таржимада "***қандайдирқўшиқни***" деб таржима қилиниб, ўқувчи фантазиясини мавхумлик гирдобига отган. Бундан ташқари, таржимон асл матнда мавжуд

[1]Ўзбек тилининг изохли луғати: -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006 -680 б.
[2] Pan G. W. Deutsche Stilistik T.: 2010. -280 S.
[3]Гусарь - асосан разведка ва таъқиб учун ишлатиладиган отлиқ қўшин чавандози (Муаллифдан)

бўлмаган “узун супурги” ва “супурмоқ” сўзларини қўллаб, тасвирланаётган вазиятни бутунлай ўзгартириб юборган. Асл матнни ўқиганингизда беихтиёр кўз ўнгингизда коняк таъсиридан сархуш бўлиб, бесўнақай бўлишига қарамасдан, нозик ҳаракатлар қилишга уриниб, автомобиль радиаторлари орасида у ёқдан бу ёққа бориб келаётган, орзусидаги чавандоз ҳақида қўшиқ куйлаб, вақтини чоғ ўтказаётган аёл образи гавдаланади. Ўзбек тилидаги матнда эса одатдаги вазифасини бажараётган фаррош аёл образи намоён. Бу фаррош бир шиша конякни бўшатиб қўйгани унга гўё таъсир этмагандай.

Берилган асл матннинг охирида келтирилган “ ***Ich hatte vergessen, sie einzuschließen***” гапи рус ва ўзбек тилларидаги таржимада тўлалигича тушуриб қолдирилган. Албатта бу жараёнда биз таржимон Низом Комилни айблашдан йироқмиз, негаки у таржимани рус тилидаги матн ёрдамида амалга оширган. Бироқ буни билвосита таржиманинг асосий камчилиги сифатида эътироф этамиз. Романни немис тилидан рус тилига ўгирган таржимон юқорида келтирилган гапни асарнинг умумий мазмунига таъсири йўқ хамда ўқувчига қахрамон образи ҳақида ҳеч қандай арзирли маълумот тақдим қилмайди деган иддао билан тушуриб қолдирган бўлиши ҳам мумкин. Лекин таржимада тушуриб қолдирилган гапнинг мазмунини кўриб чиқсак, унинг бизга бир қатор маълумотларни етказишига гувоҳ бўламиз: ***“Уларни (яъни икки шиша конякни) кеча беркитиб қўйишни унутган эканман.”***-Қахрамон (*Робби*) учун коняклар қимматли ва у уларни эҳтиёт қилган; қахрамон софдил, ахир конякни ичиб қўйганига қарамасдан Матильдага ёмон муносабатда эмас.Кегинги мисолда бадиий тасвир воситалари таржимасидаги ўзига хос ҳолатга гувоҳ бўламиз. Бунда бир турдаги бадиий тасвир воситасининг таржима шаклида бошқа турдаги бадиий тасвир воситаси пайдо бўлган. Бундай ҳолларда таржимондан алоҳида маҳорат талаб қилинади. Негаки, бадиий тасвир воситасининг айнан ўзини бермасдан, унинг ўрнига бошқа бир бадиий тасвир воситасидан фойдаланиш асарда адиб бермоқчи бўлган фикрни такрорлай олмаслиги ва пировардида бадиий асар жозибадорлигини йўқотиши мумкин.

Sie kam jeden Morgen zwei Stunden ***zum Aufräumen*** *in die Werkstatt, und man konnte ruhig so viel Geld umherliegen lassen, wie man wollte, sie rührte es nicht an –* ***aber hinter Schnaps war sie her wie die Ratte hinterm Speck.***

Каждое утро она приходила на два часа ***убирать*** *мастерскую; там можно было оставить сколько угодно денег, она не прикасалась к ним.* ***Но водка была для нее что сало для крысы.***

Хар куни икки соатга устахонани ***супуришга*** *келади, даста-даста пулларни қолдириб кетсанг хам қайрилиб қарамайди.* ***Аммо ичкиликка келганда ...***

Асл матнда ***“zum Aufräumen”***тарзида келган сўз рус тилидаги таржимада адекват кўринишда “***убирать***” деб таржима қилинган бўлса, ўзбек тилида “***супуришга***” деб берилган. Бу сўз супурмоқ феълидан ясалган ҳаракат номининг жўналиш келишигидаги шакли бўлиб, супурги билан чанг-тўзон, ахлат ва ш.к. дан тозаламоқ, ахлат ваш.к. нарсаларни сидириб олмоқ, тўпламоқ[1] деб изоҳланади. Шундан келиб чиқиб “***супуришга***” сўзи

[1]Ўзбек тилининг изохли луғати: -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 -680 б.

ўрнида “***тозалашга***” ёки “***йиғиштиришга***” сўзлари ишлатилса асл матнга мос таржима бўлар эди деган фикрдамиз.

Мисолда келтирилган асл матннинг охирги жумласида ўхшатиш бадиий тасвир воситаси қўлланилган бўлиб, адиб Матильда ароққа рўбарў келса ўзини худди чўчқа ёғига йўлиққан каламушдек тутишини таъкидлайди. Матннинг русча таржимасида эса таржимон Матильда учун ароқ, каламуш учун чўчқа ёғи каби экани айтилади. Ўзбекча таржимада эса ушбу фикр яширин ишора[1] бадиий тасвир воситаси ёрдамида берилган.Юқорида таъкидлаганимиздек бир турдаги бадиий тасвир воситаси таржимада бошқа турдаги бадиий тасвир воситасига айланмоқда. Фикримизча, асл матндаги ўхшатиш сўзма—сўз берилганда асар янада жозибадор ва мароқли кўринишга келган бўларди.

Ўзбекзабон ўқувчиларни асарнинг асл маъносидан узоққа етаклаб кетувчи қуйидаги таржимага эътиборингизни қаратсак:

*“...»Robby, was ist dir heute morgen zuerst begegnet?«Ich dachte nach. »Ein tanzendes altes Weib.«»**Heiliger Moses!** Ein schlechtes Vorzeichen!...”*

-- Робби! Кто первым повстречался тебе сегодня утром? Я стал вспоминать...-- Танцующая старуха!-- ***Святой Моисей!*** *Какое дурное предзнаменование!*

*-Робби! Бугун эрталаб биринчи бўлиб кимга дуч келдинг?-Рақс тушаётган кампирга!-**Йўқ, Мусо пайғамбарга дуч келгансан!** Бу бехосият нарса.*

Асар қахрамонининг ҳайратини ифодалаш учун хизмат қилувчи ***“Heiliger Moses!”*** сўз бирикмаси (сўзма-сўз таржимада ***“Ё муқаддас Мусо”***) русийзабон таржимон томонидан китобхонларга аслиятдагидек тақдим қилинган. Ўзбек тилидаги таржима кўринишида эса таржимон нимага ишора қилмоқчи бўлганини англаш амри маҳолдир. Биринчидан, асл матндаги сўз бирикмаси сухбатдошининг Мусо пайғамбарга йўлиққанлигини таъкидламаётганлиги кундек равшан бўлса, иккинчидан, на диний манбалар ва на урф одатларимиздаги ёзилмаган тушунчалар Мусо пайғамбарга дуч келишнинг бехосият нарса эканлиги хақида маълумот бермайди.

Хулоса ўрнида таржимон Низом Комилнинг Ғиёсиддин Ўнаровга берган интервьюсидаги бир жумлани келтирсак: “- Тўғри таржима – яхши таржима дегани эмас.[2]” Аммо тўғри таржима бадиий асар муаллифининг фикрини ўқувчига етказишда тушунмовчилик ва чалкашликларга йўл қўймайди. Бу ҳақда таниқли таржимон Иброхим Ғофуров шундай ёзади: “Таржимадан агар аниқлик, назария тили билан айтганда, адекватлик талаб қилинмаса, бу таржимонни бутунлай нотўғри йўналишга олиб кириб кетади. Аниқлик талаб қилмаслик таржимада истаганча йўрғалашлар ва “олиб қочишлар”га — айниқса, шеърий таржималарда — сабаб бўлади ва йўл очади. Аниқлик ҳар қандай таржиманинг бош мезони. Аниқлик бўлгандагина эквивалентлик ва унинг турлари равшан тус олади. Аниқлик билан эквивалентликлар бир-бирлари билан ғоятда нозик боғланишлар билан чирмашиб кетади[3].”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]Achammer&Gebhardt Deutsch Training Friesing: Stark 1991- 65 S.
[2]Низом Комил иртервью “Ёшлик” журнали, 2016 йил, 1-сон
[3] Иброҳим Ғафуровнинг «Таржимада аниқлик керакмасми?» мақоласидан.

[1]. Гечечиладзе Г. Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. -М.: Советский писатель. 1980 -253 с.

[2]. Назаров С. Ҳ. Бевосита ва билвосита таржимада образли воситаларнинг қайта яратилиши. Илмий хабарнома, АДУ,№2 2012й. -108 б.

[3]. Remarque E. M. Drei Kameraden Köln Kiepenheuer & Witsch 1964, 1991 -585 S.

[4]. Ремарк Э. М. Три товарища перевод И. Шрайбера и Л. Яковленко Л.: Лензидат 1959

[5]. Ремарк Э. М. Уч оғайни Русчадан Низом Комил таржимаси Т.: Маънавият 2002 -335 б.

[6]. Pan G. W. Deutsche Stilistik T.: 2010. -280 S.

[7]. Ўзбек тилининг изохли луғати: -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006 -680 б.

[8]. Achammer&Gebhardt Deutsch Training Friesing: Stark 1991- 65 S.

[9]. Низом Комил иртервью "Ёшлик" журнали, 2016 йил, 1-сон

[10]. Иброҳим Ғафуровнинг «Таржимада аниқлик керакмасми?» мақоласидан.